

Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши



17:00 / 21.04.2020 1924

Шайх Муҳаммад Содиқ раҳматуллоҳи алайҳнинг ўзаро суҳбатларидан иқтибос:

«Биз ошкоралик даври бошланганда расмийлар билан талашиб тортишиб юриб диний эркинликларга йўл очиб, мусулмонларнинг ҳуқуқларини тиклашга уриниб борар эканмиз (у киши бу маънода ўша пайтдаги Иттифоқ раҳбарларигача борганларини кўпчилик билади), кўнглимизда «Ҳали бу кенгликлар амалга ошиб қолса, партиячи коммунистлар ва ғайридинларнинг кўп қаршилигига дуч келамизда», деган хаёл ўтарди. Аллоҳнинг фазли билан юртимизда динимизга кўплаб эркинликлар берилди бошлади, аммо биз ҳуқуқлари учун курашаётганимиз мусулмонларнинг қаршилиги, душманлиги олдида бошқаларники ҳеч нарса бўлмай қолди...»

Шу гапларни эшитганда ўшанда мусулмонлар узоқ йиллик динсизликда, диний илмлардан бебаҳраликда шу ҳолатга тушиб қолган эканда, бўлмаса, қандай қилиб оддий нарсаларни тушунмайди, деган ўй фикр келарди.

Шунинг учун ҳам «Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши», дейишар экан.

Баланд парвоз гаплар, такбирлар, дин учун деб ёниб сўзлашлар, ҳатто ростдан мусулмонлар учун чин дилдан ғам чекишларнинг ўзи етарли эмас экан. Балки, илму ақл ва фаросат ҳам бўлиши керак.

Бугун орадан 30 йил ўтиб, ижтимоий тармоқларда ўзини диндор, ҳақгўй, дин ғамида қилиб кўрсатиб бонг ураётган айримларнинг қилаётган

ишлари, айтаётган гапларини кўриб савол туғилади кишида. Ҳали ҳам одам бўлмадикмикин? Қачон одам бўламиз? Қачон оломон эмас, халқ бўламиз?

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид